

Ўктабр ўзгаришининг беш йиллик байрами муносабати билан биз «Таёк»имизнинг ушбу фавкулодда сонини порахўрлик кахрамонларига багишламок билан баробар бу сонда ёлгуз «пора»нинг лугавий ва изоҳли маъноларидан ҳам порахўрликнинг бурунги ва ҳозирги ҳолларидан сувга тегмаган нодир ва муҳим маълумот бериб ўтамыз:

«Пора», «пору»дан муштафикдир. Пору хайвон тезаги бўлганидек, пора ҳам инсон тезагидур. Мана шунинг учун бизнинг шариятимиз пора емакни мусулмонларга ҳаром қилмишдир. Бу поранинг лугавий маъноси бўлиб, истилоҳда виждонсиз «ҳодим ул-миллат»лар қошида она сутидан ҳам ҳалолроқ саналгон махсус бир оқча туридирким, буни еган киши оз кунда чўчкадек семириб ва давлатида ҳам фавкулодда баракот ҳосил бўладир. Кўп замон ўтмасдан, порахўрнинг ахлокида катта «ўзгариш» пайдо бўлиб, ул дунёда бор фикс-фужур илмига чечан бўладур. Ўзи кунда ҳар қанча гуноҳсиз ва қучсиз кишига учраса, уларни жинни ит қаби қопадур - талайдур. Охири, гуноҳсизлигидан осмонга учиб кетиб, каттиг бир елга йўлиқиб бирдан ерга йиқилиб ўладур.

Порахўрлик иши золим Николай замонида ёмон бир ҳолда эди. Ўзгаришдан кейин ҳар иш «тараккий» қилгонидек, порахўрлик ҳунари ҳам яхшигина тараккий қилиб олди. Ҳукумат ҳар ишни янги асосқа қўйишга тушган бир вақтларда порахўрлар ҳар бир янгиликдан ўзларига чексиз бир улуш чиқардилар.

«Ҳодим ул-халк»ларимиз ҳурриятдан фойдаланиб ҳам ҳукуматдан ва ҳам қамбагал халқдан «ойлик» ола бердилар. Булар ҳукуматдан олатургон ойликлар ўз маишатларини таъмин эталмагонлиги учун «закот» номи билан халқдан ўзлари истаганча «ойлик» олишга мажбур бўлдилар. Шунинг учун замонимизда порахўрлик тараккий этди.

Сўнгги чоқларда халқнинг порахўрлардан зорланиб, берган қоп-қоп шикоятномалари вогун-вогун бўлиб Масқовга борган бўлса қераққим, унда порахўрлар билан узил-қесил қурашишга қарор қилиниб бел боғланди. Бизнинг марказ (Тошқанд)да ҳам шу тўғрида жуда катта қарорлар чиқарилиб, порахўрлар билан қурашиш учун (труйкалар) уқликлар тузилди. Дарҳол труйкалар қураш майдониға қириб Рустамдек ботирлик қўрсатдилар: бошлаб бир неча порахўрларнинг бўйнилариға сиртмоқ солиб жаҳаннамға судраб туширдилар.

Эшитқанимизға қараганда, бу қора ҳабар бундаги машҳур порахўрларға етиб, буларни

кўркиш ва хаяжонга туширибдир. Ўз мухбиримизнинг берган хабарига кўра, шахримиздаги каттакон порахўрлар яқинда каттакон бир йигинда йигилишиб, труйкаларнинг тузогига илинмаслик учун музокарадан кейин куйидаги тadbирларни маъкул кўрибдурлар:

1. Труйкаларга бир миқдор ёгликгина улуш чиқарамиз.
2. Бу тadbир билан кутулиб бўлгон тақдирда очикдан-очик ҳукуматга мурожаат қилиб маишатга етарлик ойлик сўраймиз. Арзимиз қабул бўлгонда, порахўрликни бир даража озайтирамиз. Бўлмаса, шу тутгон «муқаддас» йўлимизда қурбон бўлишни бўйнимизга оламиз, вассалом.

Юқоридаги қарор порахўрларнинг умумий мажлисларида ҳам «билиттифок» қабул қилинмишдир.

Ана энди, ўлмасак кўрамизким, бу ҳаёт-мамот майдонида қайси тараф енгар, қайси тараф енгилар?

«Таёк» бу муҳим курашда ўзини бетараф тутма олмайду. Тўғридан-тўғри порахўрларни ёқлайду. Чунки порахўрлар ҳукуматдан эмас, факат халқдангина пора олурлар. Бу ишдан ҳукуматнинг ҳазинасига зарар бўлмас, ёлғиз халқнинг қиссасигагина зарар бўлу. Шундай қимматчилик замонида порахўрликни қатагон этмак бечора «ҳодим ул-халқ»ларни тириклай гўрга тикмок билан баробардир.

Хайр, ҳар ҳолда, икки томонга ҳам муваффақият тилаймиз.

*Ботурбек*

*«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 16 ноябрь*

